

"Яшириб нима қилдик, шундай даврлар бўлдики, қурилиш соҳасида коррупция авж олди, ажратилган маблағнинг энидан-буйидан уриб қолиш эвазига сифатсиз қурилган биноларни кўрдик, кўраямиз". **2**

"Ушанда концерт тугаши билан жангга кирганмиз. Шу ансамбл аъзолари мен кўзларим очқлигида, снаряд парчалари икки кўзимдан жудо қилишдан аввал кўрган энг охириги ўзбек қизларининг сиймоси бўлиб қолган". **3**

"Хар тўйга қиммат кўйлак олишим, гўзаллик саломида навбат кутишим, энг ёмони, шуларни ҳаммасига қимнингдир асабига тегиб, пул сўрашим керак эди. Ҳозирги тўйларга бундай ҳашаматнинг кераги йўқ, шундан жуда хурсандман. Уйда ҳам жанжал қамайди". **4**

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2020 йил
20 июнь

ШАНБА
№ 42 (13303)

@haqiqatonline

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

МАЪНАВИЯТГА, ТИЛГА ЭЪТИБОР — МАВСУМИЙ ИШ ЭМАС

Вилоят ҳокимлигида "Маънавият ва маърифат" маркази ҳудудий бўлимлари бошлиқлари, маҳаллий бошқарув идоралари раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирокида очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлигида

Ҳеч шубҳасиз, жойларда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшларимизнинг маънавий салоҳиятини юксалтириш, оилаларда мукамал тарбия муҳитини шакллантириш борасида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, камчиликлар, муаммолар ҳам етарли.

Қайд этилганидек, ўтган қисқа фурсатда Президентимизнинг соҳани ислоҳ этишга йўналтирилган иккита муҳим қарори қабул қилинди. Шунингдек, бугунги кунда Давлат тилига бўлган эътибор ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида давлат тили муаммолари билан шуғулланувчи алоҳида департамент ташкил этилди. Атамалар комиссияси фаолияти йўлга қўйилди. Барча вазирлик, идора ва ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликларда раҳбарнинг маънавий-маъ-

рифий ишлар ва давлат тилида иш юритилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди.

Лекин, очиқ тан олиб айтиш кераки, бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган бу икки тизим иши самарасини ҳозирча кўнгилдагидек, деб бўлмайди.

"Маънавият ва маърифат" бўлимлари томонидан тарғибот тадбирларининг сони ҳақида кўп гапирилади, лекин, уларнинг самараси қандай бўлмоқда, улар ёшларимизнинг тарбиясига қандай ижобий таъсир кўрсатаяпти? Мулоқотда мана шу жиҳатлар ҳусусида алоҳида мунозаралар юритилди.

Албатта, иш самарадорлигини ошириш жойларда маънавият, маърифат, тил фидойиларига яратилган шарт-шароитларга ҳам бевосита боғлиқдир.

(Давоми 2-саҳифада)

Онлайн танлов Ғолиблари аниқланди

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими ташаббуси билан ижодкор ёшларни излаб топшиш, уларни қўллаб-қувватлаш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, болаларнинг таътил кунларини мароқли ташкил этиш мақсадида "Маърифатли келажак" мавзусида онлайн ижодий ишлар танлови ўтказилди.

Танлов якунларига кўра, Чирчиқ шаҳридан 4 нафар, Тошкент туманидан 3 нафар, Нурафшон шаҳри, Бекобод, Юқори Чирчиқ, Пискент туманларидан 2 нафардан, Олмалик шаҳри, Қибрай, Урта Чирчиқ туманларидан 1 нафардан, жами 18 нафар болажонлар ғолиб бўлишди.

Ғолибларга "Фахрий ёрлик" ва совғалар қарантин талабларига риоя қилган ҳолда уйларига топширилди.



Вилоятда "Ёшлар ойлиги" давом этмоқда

Иновацион ривожланиш вазири уринбосари Олимжон Тўйчиев ва Иқтидорли ёшлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Фаррух Неъматзода ОХАНГАРОН шаҳри ёшлари билан учрашди.

"Ёшлар ойлиги" доирасида ўтказилган очиқ мулоқотда мутасаддилар ёшларнинг келгусидаги режалари ва лойиҳалари билан танишишди. Жараёнда "Нўғойкўрган" маҳалласида қурилаётган лойиҳа қиймати 3,2 млрд сўм бўлган "Ёшлар технопарки" ҳудуд ёшларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш йўлида омил бўлиши таъкидланди.

Айни дамда қурилиш ишларининг деярли 85 фоизи бажариб бўлинган. Технопарк тўлиқ битта, маҳаллий ёшлар бу ерда компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш, уларни яратган лойиҳаларини амалиётга татбиқ этишлари учун барча шароитлар яратилади.

Шунингдек, учрашувда мутасаддилар томонидан иқтидорли йигит-қизлар учун семинар ташкил этиш тақлифи билдирилди.

ТОШКЕНТ туманининг Гулистон ҳудудидаги боғда туман ҳокими ва прокурорининг ёшлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда асосий эътибор ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга қўмақлашиш ва қўллаб-қувватлаш, хунармандчиликка кенг жалб этиш, банд бўлмаган ёшларни доимий иш билан таъминлаш ҳамда ёшлар ўз-ўзини банд қилишлари учун субсидиялар ажратиш масалаларига қаратилди.

Тадбирда ёшларнинг муаммолари ва тақлифлари тингланиб, уларни ҳал этиш бўйича маслаҳатлашилди.

Жумладан, "Ибрат" маҳалласида яшовчи Сардорбек Маҳмудовга "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доираси-



Нурафшоннинг НУРЛИ УЙЛАРИ

Шу кунларда вилоятимиз маркази Нурафшон шаҳри чинакам қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланган. Агар йўлингиз тушиб, шаҳар томонга ўтиб қолсангиз, катта кўчанинг икки четидан қад ростлаётган бир-бирдан муҳташам биноларга кўзингиз тушади. Замонавий дизайнда барпо этилаётган турли ташкилот, бошқарма ва тижорат банкларининг маъмурий бинолари, кўп қаватли уйлар кўзни қувонтиради.



Бунёдкорлик

Хусусан, вилоят Бандлик бош бошқармаси биносининг қурилиши 2019 йил сентябрь ойида бошланган эди. Ҳозирда ишлар якунланиш арафасида, объектни июль ойида фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Қурилиш ишлари "Geostroy prestij" масъулияти чекланган жамият қурувчилари томонидан амалга ошириляпти. Қурилишда 20 дан ортиқ ишчи меҳнат қилмоқда.

— Ишчиларимиз махсус кийим-бош билан таъминланган, — дейди иш бошқарувчи Жўрабек Арслонов. — Ҳозирги шароитда уларга тиббий ниқоб ва гигиеник воситалар ҳам бераёلمиз. Иш жараёнида қарантин талабларига тўлиқ амал қилмоқдамиз. Ҳар куни эр-

таб ишчиларнинг ҳароратларини ўлчаб, кейин бинога киритамиз.

Навбатдаги манзилимиз Ипотека банк буюртмаси билан қурилаётган кўп қаватли уй бўлди. Бу ерда иш жуда қизгин келаётганига гувоҳ бўлдик. Қимлардир бинони пардозлаяпти, бошқалар эса техника ёрдамида бетон қуйишмоқда. Бу ерда ҳам қурувчилар меҳнат муҳофазасига амал қилиб, махсус коржом ва ҳимоя воситалари билан ишлашаяпти.

Етти қаватли мазкур уйда 70 та хонадон бор. Яқин кунларда уйлар ўз эгаларига топширилади.

— Объектда 80 дан ортиқ қурувчи ишляпти, — дейди "Мерос техно сервис" масъулияти

чекланган жамияти иш бошқарувчиси Собир Нормуродов. — Уларга қарантин қоидалари батафсил тушунтирилган, белгиланган талабларга қатъий амал қилишлари назоратга олинган. Иш жараёнига йиғирмадан ортиқ техникани жалб қилганмиз. Барча қурилиш-пардозлаш ишларини сифатли ва мукамал бажаришга ҳаракат қиламиз. Мақсадимиз шу: кун келиб бу уйда яшайдиганлар бизларни фақат яхши гаплар билан эслашсин.

Зухриддин РАҲМОНОВ
Тошкент ҳақиқати/
Аброр ЭСОНОВ
олган суратлар



Ҳою ҳавасни
овлаган,
дабдабани
жиловлаган
коронавирусга
бир сало-о-ом...



“Ташкилот қурилиш-ни вақтида бажара олмас, ойма-ой, кунма-кун ҳисобланган параметрлардан асосиз равишда ортда қолса, ҳолат атрофлича ўрганиб чиқилади, асосиз равишда шундай қилган бўлса, тузилган шартнома бекор қилинади”.

Тошкент вилояти ҳокими қурилиш ташкилотлари раҳбарлари билан учрашди.

Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати-нинг маълум қилишича, танқидий-таҳлилий руҳда ўтган йилги қурилиш соҳасида шу қоғачка йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилинди.

Мажлисада қурилиш ишларини соҳанинг ўз эгалари олиб бориши муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Вилоят ҳокими Паркентда қуриб битказилган бўлса-да, айрим камчиликлари борлиги учун ҳали қабул қилиб олинмаган, бюджетдан ажратилган маблағлар тўла ўлаштирилмаган мактаб-гаҳа таълим ташкилотининг баҳордаги кучли шамол натижасида томи учи кетганини ёдга олиб, эндиликда яна маблағ сарфлаб иншоотни қайта қураётган қурувчи учун бу катта сабоқ бўлиши зарурлигини таъкидлади.

“Қизиқ факт. Турли дастурлар ва расмий топшириқлар бўйича қурилиши керак бўлган битта объектга, вилоятда ўртача 24 та қурилиш ташкилоти тўри келаяпти. Бунинг сабаби нима? Яшириб нима қилдик, шундай даврлар бўлдики, қурилиш соҳасида коррупция авж олди, ажратилган маблағнинг эндиан-буйидан уриб қолиш эвазига сифатсиз қурилган биноларни кўрдик, кўраямиз.

Собиқ ҳоким, прокурор, солиқ идорасининг раҳбарларидан бири бўлиб ишлаган одам кейинчалик қурилиш

ташкilotи очган. Нега?! Ахир, у қурувчи эмас-ку! Мен ўзим шундайларнинг бири билан суҳбатладим. «Нима қура оласан?», деб сўрасам: «Нима қура десан-ми?», дейди. Йўқ, бу – энди қурувчининг гапи эмас. Объект олиб, уни ёлланма ишчиларга топшириб, ўртада пул ишлайдиган ўртақашнинг гапи бу”, деди вилоят раҳбари.

Шунингдек, учрашувда Ангрэн шаҳрида 2018 йили фойдаланишга топширилиши белгиланган мактабгаҳа таълим ташкilotи ҳалигача битказилмагани,

равишда шундай қилган бўлса, тузилган шартнома, керак бўлса, бир томонлама бекор қилинади.

Бу гаплардан мурод бировни кўрkitиш, чўчkitиш эмас. Мақсад, қурилиш, бунёдкорлик ишлари бўйича Тошкент вилояти қурувчилари обрўсини жойига қўйиш! Биз сизларга ишонганмиз – тендер якунлари бўйича айнан сизлар 2020 йилги дастурлар бўйича режалаштирилган қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб боришингиз аниқ. Энди марҳамат қилиб, ҳалол, пок ишланглр! Фақат тен-

долиявий назорат органининг вилоят бошқармаси вакиллари ишларнинг бориши, сифати календар режага, тегишли қўрсаткичларга мувофиқлиги устидан қатъий назорат ўрнатилиши бўйича тизим ташкил этишга топшириқ берди.

Унга қўра, эндиликда вилоятда амалга ошириладиган қурилиш ишларининг боришини тегишли назорат-тафтиш органларидан ташқари, сектор раҳбарлари, депутатлар, молия органлари назорат қилиб бориши, иншоотнинг ўз вақтида ва юқори сифатда фойдала-

ҚУРИЛИШ

КОРРУПЦИЯ ЎЧОҒИГА

айланмаслиги керак



сифатсиз қурилиш материалларидан фойдаланиш оқибатида бинонинг тақдирини номаълум қолаётгани танқид қилинди. 2019 йилда шаҳар ва туманлар ҳокимларининг таъсияси асосида объектлар учун қурилиш корхоналари танланган бўлса, жорий йил очик тендер йўли билан қурувчилар саралаб олинган.

«Қурилишда иккита асосий меъёр бор – сифат ва муддат. Бироқ, айрим қурилиш ташкilotлари томонидан кўпинча объектни фойдаланишга режалаштирилган вақтидан кечиктириб топшириш «анъана»си бор. Энди бундай бўлмайди. Қайси ташкilot қурилиши вақтида бажара олмас, ойма-ой, кунма-кун ҳисобланган параметрлардан асосиз равишда ортда қолса, ҳолат атрофлича ўрганиб чиқилади, асосиз

дер пайтида берилган ваъдалар, кўрсатилган техника ва ишчилар амалда мавжудми ёки ўртада туриб, қурилишга учинчи томонни жалб қилиб, бюджет маблағи талон-торож қилинмайдими – гап шунда», деди вилоят ҳокими.

Қайд этилишича, охириги бир йилда вилоятда 20 дан ортик қурилиш ташкilotларига нисбатан жинорий иш очилган. Вилоят ҳокими бу масалага тўхталар экан, қурилиш жараёнидаги эътиборсизлик, локайдлик туфайли йўл қўйилган камчиликларнинг олдини вақтида олишга эътибор қаратди. Шунингдек, қурилиш ишлари бошлангандаёқ ҳар бир объект бўйича тегишли жамоатчилик вакили – Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, молия бошқармаси, давлат

нишга топширилиши юзасидан барчага нисбатан ҳисобдорлик жорий этилиши кўзда тутилмоқда.

«У ёки бу қурувчига содир этган қилмиши учун жинорий иш очилиши – чуқур қараганда, бўлар иш бўлгандан кейинги жараён. Жамият ва давлат учун ютуқ эмас, аксинча. Нега энди ҳали у ишни олиб бораётган, қурилиш жадал кетаётган пайтда давлат бюджетни маблағларини ўлаштиришга масъуллар жим қараб ўтиради? Айтилик, исталган туман молия бўлими раҳбаридан худуддаги қурилиш объектлари ҳақида сўрасангиз, билмайди. Ҳолбуки, у эмасми бюджетнинг назоратчиси?», деди пировадига вилоят ҳокими.

Яқунда ҳафтанинг ҳар шанба кун қурилиш соҳаси ходимлари билан жорий йилда қурилиш мўлжалланган объектларда ишларнинг боришини муҳокама этиш, шунингдек, тегишли масъулларнинг бажарилган ишлар бўйича ахборот беришига келишиб олинди.

Ўз мухбиримиз

МАҲАЛЛИЙ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДА

ЮҚОРИ ЧИРЧИК ҲАЁТИ

“ЮҚОРИ ЧИРЧИК ҲАЁТИ” газетасининг навбатдаги сонида “Долзарб мавзуда суҳбат” рукини остида чоп этилган мақолада ўзбошимча қурилмаларга эгаллик ҳуқуқи берилмаслиги ҳақида маълумот оласиз. Туяқуш боқиб, туядек даромад кўраётган оила билан ҳам шу сонда та-нишасиз.

БЕКОВ ОВОЗИ

“БЕКОВ ОВОЗИ”нинг 23-сонида туманда кенг миқёсда олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари ҳақида “Юртимиз ободлиги йўлида” мақоласи орқали танишасиз. Шунингдек, “Бу сирли олам ҳикматлари”ни мароқ билан мутолаа қилишингиз мумкин.

ОҚҚҮРҒОН ОВОЗИ

“ОҚҚҮРҒОН ОВОЗИ”нинг 21-сонида пандемия даври ва карантин талаблари ҳақида туркум мақолалар берилган. Айни ёз мавсуми билан боғлиқ “Таққиланган жойда чумилманг” мақоласи барчамизни огоҳликка чақиради.

ЯНГИЙҮЛ

“ЯНГИЙҮЛ” газетасининг 23-24-қўшма сонида Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутати Р. Қушербоев вилоят ва туман кенгаши депутатлари билан биргаликда жойларга чиқиб, маҳаллалар фаолияти билан танишгани, муаммо ва тақлифлар ўрганилгани ҳақида ёзилган. Кўнгил дафтарида биткилардан воқиф бўлмоқчи бўлган муштарийларга “Ор-номус – инсонийлик туйғусидир” мақоласини ўқишни тавсия қиламиз.

Пискент туманида қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳалар ҳисобига аҳоли бандлиги таъминланиб, маҳаллий бюджет тушумини оширишга эришилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида 84 млрд. 200 млн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, экспорт прогнозлари бажарилди.

Жараён



ПАНДЕМИЯДА ҲАМ КОРХОНАЛАР ТЎХТАГАНИ ЙЎҚ

Бугунги кунда туманда карантин чекловлари туфайли вақтинчалик фаолиятини тўхтатган ёки ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтирган корхоналарни аввалги ҳолатига келтириш чоралари кўрилаяпти. Жумладан, 243 та корхона карантинга олинган, ҳозир уларнинг 191 таси фаолиятини давом эттиришни бошлади. Натижада, 1 минг 700 нафарга яқин фуқаро иш жойига қайтди.



Тумандаги энг йирик тадбиркорлик субъектларидан бири Ўзбекистон-Хитой қўшма корхона шаклидаги “Zhongtian chemical” масъулияти чекланган жамиятида рангли металллар ажратиб олишда фойдаланиладиган ксантогенат кимёвий моддаси тайёрланади. Хорижий инвестиция ҳисобига фаолият юритаётган лойиҳанинг умумий қиймати 5 млн. АҚШ долларидан иборат бўлиб, ўтган йилнинг май ойида фойдаланишга топширилган.

Ҳозирда мазкур жамиятда 120 нафар маҳаллий аҳоли иш билан таъминланган. Иш карантин талабларига риоя қилинган ҳолда ташкил этилган боис, корхона фаолиятини тўхтатгани йўқ. Ишчиларнинг ойлик маоши ҳам ошиб бораёпти. Энг муҳими, корхонада жорий йилнинг биринчи чорагида режадаги 198,6 минг АҚШ доллари ўрнига 523,7 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди. Маҳсулотлар, асосан, Россия, Хитой, Қирғизистон ва Қозғоғистон давлатларига жўнатилаяпти.

Ўз мухбиримиз

40 МИЛЛИОН СЎМЛИК ГРАНТ ЮТИШ ОЛИНГ

Мамакатимизда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жамиятда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати самардорлигини ошириш, давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

Жорий йилнинг 12 июнь кун Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши видеоконференция шаклида ўтказилди.

Йиғилишда Парламент комиссияси томонидан 2019 йилда амалга оширилган ишлар, “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури, Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатнома-сида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкilotлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг

фаол иштирокини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг долзарб вазифалари муҳокама қилинди.

Хусусан, жорий йил 16 апрелдан 18 майгача ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишга давлат ижтимоий буюртмаларини қўллаб-қувватлаш бўйича танлов эълон қилинган ва мазкур танловга 70 га яқин лойиҳалар қабул қилинган алоҳида қайд этилди.

Парламент комиссияси томонидан 2020 йилда умумий миқдори 5,2 млрд. сўмлик 15 та ижтимоий

буюртмаларни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилинди.

Шунингдек, Жамоат фонди томонидан эълон қилинган “Жамият ва оилада соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш” ва “Ҳаракатлар стратегияси”, “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури ижросида фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирокини таъминлаш” мавзуларидаги давлат грантларида ННТ ва фуқаролик жамияти институтларининг иштироки кўриб чиқилди. Эълон қилинган 2 та давлат грантига 460 дан ортик ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан лойиҳалар келиб тушди ва 103 та ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг грант лойиҳаларини

МАЪНАВИЯТГА, ТИЛГА ЭЪТИБОР – МАВСУМИЙ ИШ ЭМАС

Шу сабабли, мулоқотда мазкур жиҳатларга эътибор қаратмаётган маҳаллий раҳбарлар, ҳокимлар фаолияти танқид қилинди.

Масалан, Ангрэн, Оҳангарон шаҳарлари, Тошкент ва Янгийўл туманларида “Маънавият ва маърифат” бўлими учун алоҳида хона ҳам ажратилмаган. Янгийўл, Чирчиқ шаҳарлари, Зангиота, Ўрта Чирчиқ, Пискент, Чиноз, Қи-брай туманларида мебель жиҳозлари, компьютер жамланмалари таъминоти рисоладагидек эмас.

Нурафшон, Янгийўл шаҳарлари, Оҳангарон, Чиноз, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ туманларида давлат тили бўйича маслаҳатчилар тайинланмаган, Зангиота тумани ва Олмалик шаҳрида эса бу вазифа ҳокимлик мутахассисларига юклатиб қўйилган, холос.

Вилоятдаги 1 минг 981 та шаҳарча, қишлоқ, аҳоли пунктларидан 33 тасининг номи қонун талабларига жавоб бермайди. Тақрирланган номлар сони ҳисоботларда 39 та деб белгиланган бўлса-да, амалда анча кўп. Вилоятдаги 10 минг 267 та кўчадан 6 минг 491 тасининг номи қарор билан тасдиқланган, холос. Кўчаларнинг катта қисми тегишли пешлавҳалар билан таъ-

(Давоми. Бошланғич 1-саҳифада)

минланмаган. Шу билан бирга, ташқи рекламалар, кўргазмали ташвиқот воситаларининг аҳоли ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Бу ҳолат айниқса, шаҳарлар марказида яққол кўзга ташланыпти. Рус ва бошқа ажнабий тиллардаги ёзувлар меъёридан ошиб кетган.

“Маънавият ва маърифат соҳасида олиб бориладиган ишларимиз бир кунлик эмас. Бугунги ўта таҳликали, ахборотлар жуда кенг тарқалаётган, шу билан бирга, “оммавий маданият” таъди-ди кундан-кун кучайиб кетаётган бир вақтда вилоятимиз аҳлини, айниқса, ёшларимизни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш маънавиятчининг виждон иши бўлмаси лозим”, деб қайд этди вилоят раҳбари.

Мулоқотда сўз олганлар маънавият ва маърифат соҳаларида бўшлиқ бўлмаслиги, мавжуд муаммоларни бир тану жон бўлиб, зудлик билан бартараф этиш лозимлиги юзасидан қимматли фикр ва тавсияларни ўртага ташлади-лар. Қурилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилиниб, мутасаддилар зиммасига кечиктириб бўлмас вазифалар юзасидан қатор топшириқлар юкланди.

Ўз мухбиримиз

Иновация

ШАКАРДАН ҲАМ ШИРИН

Ўрта Чирчиқ туманидаги Ўртабўз маҳалласида “Healing herbs & organics” масъулияти чекланган жамияти ишга тушгандан буён қарийб 65 киши ишли бўлди. Шулардан 45 нафари мавсумий ишчи бўлса, 20 нафари доимий иш жойига эга. Лойиҳа тўлиқ қувватда ишга тушгач, қарийб 500 та янги иш ўрни яратилади.




– Биз нафақат хом ашё ештиришимиз, балки уни қайта ишлаб, аввал ички, сўнг ташқи бозорга йўналтирамиз, – дейди жамиятнинг ижрочи директори Ҳабибжон Давлатов. – Ушбу тадбиркорлик субъектига 2017 йилда асос солган эдик, 2018 йилда эса ер ажратилди. Айни пайтда 80 гектарлик майдонда лойиҳани амалга ошириш ишлари бошланган. 45 гектар майдонда Сербиядан келтирилган стевиа – асал ўти, наъматак каби шифобахш гиёҳлар парваришланыпти.

Иновацион ёндашув асосида ташкил этилган агро-кластерда стевиа ўсимлиги плантациялари яратилади. Етиштирилган ҳосил қайта

ишланиб, табиий шакар ўрнини босувчи стевиозид маҳсулоти бозорга чиқарилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, у тўлиқ табиий маҳсулот бўлиши баробарида шакардан анча ширин. Эътиборлиси, унинг кўп истеъмоли оқибатида қанд касали келиб чиқиши ниҳоятда кам учрайди.

Лойиҳа 300 гектар ер майдонига мўлжалланган. Қўшимча ер майдонлари ажратилиши билан кредит ҳам берилади. Бу маблағ ҳосилини қайта ишлаш заводи қуришга йўналтирилади. Шунингдек, жамиятга қарали далаalarda малина, наъматак ва ежевика кўчатлари ҳам парваришланмоқда.

ЎзА



Парламент комиссияси фаолиятдан

тарбиялаш, уларда тадбиркорлик, илмий-ижодий ва интеллектуал салоҳиятни шакллантириш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳамда қонун устуворлиги ва жамоатчилик назоратини таъминлаш, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, давлат органларининг оммавий ахборот воситалари билан яқин ижтимоий ҳамкорлигини йўлга қўйиш каби бир қатор йўналишларни қамраб олган.

Танловда иштирок этинг. Зеро, Сизнинг иштирокингиз аҳолини, айниқса, ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашига, уларнинг муаммоларини самарали бартараф этишга хизмат қилади.

Эслатиб ўтамыз, танловга ҳужжатлар жорий йилнинг 17 июнидан 20 июлигача қабул қилинади. Битта лойиҳа учун грант маблағлари 40 млн. сўмгача.

Мазкур танловлар ёш авлодни маънан етуқ, жисмонан соғлом этиб

Парламент комиссияси аъзоси

Моҳируа ХОДЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Парламент комиссияси аъзоси

Тошкент вилояти Нурунийлар жамоатчилик кенгазининг "Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшама" шиори остида хонадонлар ва кўчаларни обод ҳамда кўркам қилиш бўйича аҳолига

МУРОЖААТИ

Муҳтарам ватандошлар!

Мамлакатимиз ободлиги, кўчаларимиз кўрки, хонадонларимиз файзли ошириш, унда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш бўйича жорий йилнинг июнь-август ойларини руҳан поклик, маънавот етуклик, фикран янгиланишга интилиш даври деб таърифлаш мумкин.

Бугун юртимиздаги тинчлик-оқсоқиллик, халқимизнинг юксалиб бораётган турмуш даражаси, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўркам қиёфаси, одамлар онгу-тафаккуридаги ўзгаришлар, умуман, ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги тараққиёт юртдошларимизнинг Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган ислохотларга, жонажон Ватанимизнинг келажига бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Хусусан, сўнгги йилларда "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурларининг ҳаётимизга кенг татбиқ этилиши натижасида аҳоли масканларининг кўриниши буткул ўзгариб, одамларимиз турмуш тарзи, оилаларда тўкин-сочинлик янада ортиб бормоқда.

Шуни унутмайликки, осуда ва фаровон турмуш тарзини четдан келиб бизга ҳеч ким яратиб берайди. Уни ўзимиз, ўз меҳнатимиз натижасида бунёд этсак, аниқроқ айтганда, ҳар

биримиз ўз маҳалла, кўча ва хонадонларимизнинг саранжом ва файзли бўлиши учун ҳиссамизни қўшсак, бу гўшалар чинакам обод масканларга айланади.

Эрта саҳарда туриб, кўча-ҳовлиларимизни супуриб-сидириш, ён-атрофга сув сепиш, турли гуллар экиш қайси хонадонга қирой бағишламайди, дейсиз. Бу борада хонадон соҳибларига маслаҳатлар бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш, яратувчанлик ғояларига ундаш, биз - маҳалла фаоллари, кўпни кўрган, нуруний оқсоқолларнинг энг муҳим вазифамиздир.

Унутмаслигимиз лозимки, **ободлик бор жойда кўт-барака, доимий ривожланиш ва келажакка ишонч** руҳи бўлади.

Ҳозирги синовили давр барчамиздан қийинчиликларни мардона ва жасорат билан енгиб ўтишни талаб қилмоқда. Бу кўп жиҳатдан халқимизни янада жиҳлатириш, аҳил ва бирдам бўлиб ҳаракат қилишга ундамоқда.

Шу маънода, карантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда маҳаллалардаги ҳар бир кўчани ободлаштириш, хонадон ва томорқа маданиятини ривожлантириш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни ўз Ватанига муҳаббат ва садоқат

руҳида тарбиялашда барча юртдошларимизнинг фаол иштирок этиши ҳар қачон-гидан долзарб аҳамият касб этмоқда.

Халқимизда "Бир кун кўн-гилсизлик бўлган хонадондан қирқ кун хайру барака арийди", деган пурмаъно ҳикмат бор.

Азиз отахон ва онахонлар!

Ўз маҳалладошларимизга **намунавий хонадон, намунавий кўча** қандай бўлиши кераклиги ҳақида имкон қадар кўпроқ ва кенгроқ маълумот берайлик! Бу йўлда, аввало, ўз хонадонларимизни обод қилиш борасида олиб бораётган амалий ишларимиз, ибратли ташаббусларимиз, чинакам жонкуярлигимиз билан намуна бўлайлик!

Ўз ҳудудимиздаги ҳар бир оилада **маиший маданиятни**, хонадонларимизни обод ҳамда кўркам қилиш бўйича амалга ошириладиган тадбирларни, шу жумладан, ёрдамчи хўжалик биноларини қуриш, таъмирлаш, сақлаш қоидаларини, томорқа маданиятини ривожлантириш каби эзгу ишларни кенг тарғиб этайлик!

Энг муҳими, мавжуд имконият ва шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда, турмуш даражамизни янги



босқичга кўтарайлик!

Азиз ҳамюртлар!

Осмони мусаффо, жонажон Ўзбекистонимизга фақат ва фақат обод масканлар - кўркам ва гўзал кўчалар, файзли хонадонлар, дилга қувонч бағишловчи обод маҳаллалар ярашади.

Бу каби хайрли ишларга, айниқса, маҳалламиздаги эҳтиёжманд ва камбағал оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга бор куч-ғайратимизни сафарбар қилайлик, улуг ташаббусга муносиб ҳисса қўшайлик!

Ушбу уч ойлик ҳаракатимиз хайрли ва савобли ишларимизнинг бардавонлигига, ёшларимизнинг маънавияти ва тарбияси янада юксак бўлишига, миллий қадриятларимиз ривожига, халқимиз орасида ҳам-жиҳатлик туйғуларни мустаҳкамлашига пойдевор бўлиб хизмат қилсин!

Хотира азиз...

аканинг соғлиги бирдан ёмонлашиб, шочилич касалхонага олиб кетишди. Шифокорлар тузалиб кетишларига умид йўқлигини айтиб, уларига жавоб беришпти.

Оқсоқоллар маслаҳатлашиб, тўйни қодирмаслиқни, мусика овозини пастроқ қўйган ҳолда, тантанани ўтказаверишни маслаҳат беришди. Тўй бошланди. Санъаткор опаларимиз даврага чиқиб, ўзбекча хонилар, лапар ва яллалар билан даврани киздиришди. Бирдан тўйхона узра "Катюша" кўшиги янгради. Ана шу ҳаммага таниш оханг ҳарбий-жанговар концерт дастурини бошлаб берди. Гоҳ Коммуна опа қўшлик айтади ва Гавҳар опа ракс туша-

довруқ қозонгани бежиз эмас. Бунинг сабаблари, биринчидан, асар ҳақиқатан ҳам брайл-игна билан ёзилганига бориб тақалса, иккинчидан, кўзи ожиз, ўзи ноигрон одамнинг минг бир машаққат билан китоб битганига боғлиқдир.

Масаланинг яна бир муҳим томони бор. Гап шундаки, Валижон ака болалик йилларида-ёқ адабиётга қизиққан, баъзан шеърлар ёзиб, ёшлар нашрларига юбориб ҳам турган. Аммо, уруш ва урушдан кейинги ноигронлик навқирон ижодкорнинг орзу-хавас эшикларини тақа-тақ беркитганди. Шу маънода, Вали Гафуров ёзувчилик касбидан бир қадар узоқ бўлишига қарамай, энг йирик насрий жанрда

лигига қабул қилинди. 1973 йили "Меҳнат Қизил байроқ" ордени билан мукофотланди. Маҳалламизда у кишининг обрў-эътибори ниҳоятда баланд эди. Бирон-та тўй Валижон аканинг оқ фотиҳаси ва эзгу тилақларисиз бошланмасди.

Кўнлардан бир кун Валижон аканинг ҳамсояси ва қадрдони Абдурахим ака Мирзаев ва унинг турмуш уртоғи бевақт вафот этди. Уларнинг ҳали уйли-жойли бўлиб улгурмаган 3 нафар фарзанди етим қолди. Марҳумларнинг йили ўтганидан сўнг Вали Гафуров ўша оиланинг тўнгич фарзандини уйлантириш учун тўй тадоригига киришди.

Маҳалла аҳли Валижон акага бу савобли ишда ҳар томондан

мададкор бўлди. Менинг зиммамага тўйга санъаткорларни олиб келиш юкланди. У замонларда



асар, яъни роман ёзишга муваффақ бўлгани мислсиз матонат тимсоли эди.

Бу китоб битилган ва тилга тушган вақтларни яхши эслаймиз. Валижон аканинг қардон қозғоғларга брайл-игна билан ўйиб ёзилган "кўлёмза"ларини қизи Ўмидахоҳон машинкада теда-риб берарди. Қўшимчимиз бирон жойга борадиган бўлса ҳам, шу қизи етаклаб юрарди. Валижон ака 8 нафар фарзанднинг отаси бўлиб, 5 нафар ўғил ва 3 нафар қизлардан иборат катта оиласи ўзаро аҳил, болалари ҳам отасига жуда меҳрибон бўлган.

Шу тариқа 1973 йилда «Валижон» романининг иккинчи китоби дунё юзини кўрди. Асар китоб-хоналар ва адабий жамоатчилик томонидан илиқ қутиб олинди, рус ва қардош тилларга таржима қилинди. Романда ёзувчининг шахсий ҳаёти, тақдир орқали халқимизга хос метин-мустаҳкам ирода, қарамонлик, биродарлик туйғуларни улуглангани жуда муҳим, таъбир жоиз бўлса, бугунги кунда ҳам долзарбдир.

Вали Гафуров кейин ҳам кўп-лаб асарлар ёзди. 1970 йилда СССР Ёзувчилар уюшмаси ёз-зо-

ман. Валижон аканинг қардон қозғоғларга брайл-игна билан ўйиб ёзилган "кўлёмза"ларини қизи Ўмидахоҳон машинкада теда-риб берарди. Қўшимчимиз бирон жойга борадиган бўлса ҳам, шу қизи етаклаб юрарди. Валижон ака 8 нафар фарзанднинг отаси бўлиб, 5 нафар ўғил ва 3 нафар қизлардан иборат катта оиласи ўзаро аҳил, болалари ҳам отасига жуда меҳрибон бўлган.

Шу тариқа 1973 йилда «Валижон» романининг иккинчи китоби дунё юзини кўрди. Асар китоб-хоналар ва адабий жамоатчилик томонидан илиқ қутиб олинди, рус ва қардош тилларга таржима қилинди. Романда ёзувчининг шахсий ҳаёти, тақдир орқали халқимизга хос метин-мустаҳкам ирода, қарамонлик, биродарлик туйғуларни улуглангани жуда муҳим, таъбир жоиз бўлса, бугунги кунда ҳам долзарбдир.

Вали Гафуров кейин ҳам кўп-лаб асарлар ёзди. 1970 йилда СССР Ёзувчилар уюшмаси ёз-зо-

ман. Валижон аканинг қардон қозғоғларга брайл-игна билан ўйиб ёзилган "кўлёмза"ларини қизи Ўмидахоҳон машинкада теда-риб берарди. Қўшимчимиз бирон жойга борадиган бўлса ҳам, шу қизи етаклаб юрарди. Валижон ака 8 нафар фарзанднинг отаси бўлиб, 5 нафар ўғил ва 3 нафар қизлардан иборат катта оиласи ўзаро аҳил, болалари ҳам отасига жуда меҳрибон бўлган.

Бирок, қутилмаганда ташвишли хабар эшитдик. Ўша кун Валижон

Мутахассис оғохлантиради

Ғалладан бўшаган майдонларни ЁҚҚАН ШАХСЛАР жаримага тортилади

А йни кунларда мамлакатимизнинг барча аҳудудларида бўлгани каби Тошкент вилояти миришкор деҳқонлари ҳам туну кун тиним билмай ғалладан юқори ҳосил йиғиштириб олиш учун тер тўкишмоқда.

Вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ходимлари томонидан ғалладан бўшаган ер майдонларида сомон поялари ёқиб юборилишининг олдини олиш мақсадида тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Маълумки, бошоқли дон экинидан бўшаган бир гектар ер майдонида ёнгин содир этилиши атмосфера ҳавосига ўрта ҳисобда 500 грамм азот оксиди, 379 грамм углерод, 3 кг. кул, 20 кг. ис гази ва углерод оксидлари гази ташланмишига олиб келади. Шунингдек, тупроқ таркиби бузилиши, орга-

лари талаблари ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги "2019 йил бошоқли дон экин-поялари ёқиб юборилишининг олдини олиш мақсадида виллоят миқёсида ҳам 2 минг 385 та фермер хўжалигидан 1 минг 400 га яқинига сомон поялари ёқи-лишининг олдини олиш бўйича оғохлантириш берилган ва тарғибот ишлари олиб борилган.

Шунга қарамасдан 2019 йили бу салбий ҳолатлар 125 та ҳудудда кузатилган бўлиб, жами 260 гектар ер майдони ёндирилган. Ушбу қонун-бузилиш ҳолатларини содир этган 78 нафар ҳуқуқбузарга нисбатан Маъмурий жавоб-гарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига асосан жами 45 миллион 561



нинг моддаларининг кескин қалмайиши, турли хилдаги тирик организмларнинг қирилиши, эрозиянинг кучайишига ва ҳосилдорлик камайишига сабаб бўлади.

Утган йили жойларда бу каби бир неча нохуш ҳолатлар қайд этилган. Асосий сабаби аҳоли ва фермер хўжаликларининг лоқайдлигидир. Ўзбекистон Республикаси "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунининг тегишли модда-

минг сўмлик жарималар қўлланилган.

Юқорида келтирилган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бошқарма ходимлари томонидан бу йил ҳам виллоят ҳудудида кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Акмал ҲАЙДАРОВ,
виллоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бош мутахассиси
Ў.А.

Эълонлар

Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очик аукцион (www.e-auksion.uz) савдоларига тақлиф этади.

Электрон онлайн очик аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда сақловчи	Давлат улушининг бошланғич нархи
1	«Далварзин таъмирлаш заводи» МЧЖнинг 25,85 фоиз давлат улуши	Бекобод тумани, Далварзин посёлкаси	«Далварзин таъмирлаш заводи»	273 308 431,0

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2020 йил 20 июндан бошлаб, объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб, ҳар 30 кун муддатда соат 9.00 дан 18.00 гача ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.e-auksion.uz сайтлари орқали олиш мумкин.

Мурожаат учун манзил: 100072, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй.

Маълумот учун телефон: (71) 293-90-59.

Е-mail: toshvil@davaktiv.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.davaktiv.uz

Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқариш агентлиги (0-371) 259-21-37 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (95) 534-80-10 рақамли Ишонч телефонларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

«CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ

"Дори-дармон" АКнинг 17.06.2020 йилдаги №11-13/687-сонли хатига асосан "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 04.04.2020 йил № 27-28 (13289)-сонда чоп этилган ёлғондаги Гулистон шаҳри, Сайхун кўчаси, 39-уй манзилида жойлашган 23-сонли дорихона биноси аукцион савдосидан олинганлигини маълум қилади.

Тошкент меҳмонхона хўжалиги касб-хунара коллежи томонидан 2016 йилда Норматов Сардор Бахтиёр ўғли номига берилган К № 4465931 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Иккинчи жаҳон уруши
Ҳақида сўз борганда, кўпчилик жангчи адиб Вали Гафуровнинг икки китобдан иборат "Вафодор" романи, шунингдек, «Сўнгги пушаймон», «Ботирга ўлим йўқ» каби қиссалари, «Шохлардаги мезонлар» китобидан жой олган хотиралари ва ўнлаб ажойиб ҳикояларини ёдга олади. Касби оддий ўқитувчи бўлишига қарамай, муаллиф ўзбек адабий жараёнига ўзига хос ҳисса қўшгани учун 1985 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" унвони билан тақдирланган.

"Вафодор" ~ игна билан ёзилган асар

Вали Гафуров 1922 йилда Зангиота қишлоғида туғилган. Ота-онасининг 9 фарзандли (5 ўғил ва 4 қиз) болажон оиласида Валижон ака олтинчи фарзанд бўлган.

Биз кўшни турганмиз, ёнма-ён ҳовлиларда яшаганмиз. Шу боис, у кишининг ниҳоятда оддий, айнаи чоғда ҳаяжонли, жасоратга тўла, сермазмун таржимаи холи ҳақида батафсилроқ тўхталишга жазм этдим.

Валижон аканинг оддийлиги шунда эдики, ҳеч қачон айрим ҳамкасблари каби мансаб лавозимларида ўтирмаган. Ҳамиша ўқиб, меҳнат билан машғул бўлган. Дастлаб етти йиллик мактаб таълимини битириб, сўнг Тошкент давлат университетидаги ўқитувчилик курсида тахсил олган. 1940-йилда Самарқанд вилояти мактабларида ўқитувчилик қилган.


Вали Гафуров 19 ёшга етар-етмас жангга отланган. Айтишларича, отам Холмат Саидов билан бир кунда ва бирга фронтга кетишган.

Валижон ака 1941 йили Нальчик ҳарбий пилдалар билим юртига ўқишга юборилган. 1942 йил ёз ойларида фашистлар Шимолий Кавказ, Дон соҳиллари ва Сталинград остонасига яқинлашиб қолгани туфайли фронтда вазият қалтирилган. Натижада, Валижон ака ва бошқа сабоқдошларининг ўқиш жараёни жадал аяқланиб, барча курсантлар жангтоҳларга юборилган.

Пулемётчи Вали Гафуров аввал Сталинград остонасига мардлик намунасини кўрсатган. 1942 йил 19 октябрда Севастополни қарамонона муҳофаза қилиш асносида рўпарасида портлаган снаряд парчасидан оғир жароҳатланган. Оқибатда икки кўздан ажралиб, бир оёғи ноғирон бўлиб қолган.

Вали Гафуровнинг сирдош дўсти ва "Вафодор" романининг илк нашрига сўзбоши ёзган ижодий ҳамкори, журналист О. Сидельниковнинг қайд этишича, Валижон ака госпиталда ҳушига келиб, энди бу ёруғ дунёни ҳеч

Яқинда Тошкент воҳаси тарихига қизикадиган, севадиган, унинг сирларини гўзалликларига мафтун мухлислар учун "Шош ва Илоқ йўлларидан" номли китоб нашрдан чиқди. Мазкур китоб Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти муассасаси раиси Зарифа Эшмирзаеванинг қаламига мансуб бўлиб, воҳанинг муқаддас зиёратгоҳлари, қадамжолари тарихи, шунингдек, маданий меросимизни ўрганиш, уни оламга танитиш иштиёқи билан ёнган фидойи инсонларнинг меҳнатлари ҳақидадир.



Китобдаги муаллифнинг шахсий фикр-мулоҳазалари билан бойитилган тарихий воқеа ва афсоналар, уларда акс этган инсонлар хотираси ва тақдирига муносабат, аввало, одамларда яшаб турган манзил-мақомларига қизиқиш ва хайрихоҳлик уйғотишга қаратилгандир.

Китобнинг асосий қисми "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталарида чоп этилган мақолалардан иборат бўлиб, воҳанинг қадимий карвон йўллари бўйлаб саёҳат қилиш имконини беради.

Китобга ўтган аср ўрталарида амалга оширилган илмий ишлар ҳулосалари, археология экспедицияларининг ҳисоботлари асосида халқ хотирасида сақланиб келадиган афсона ва асотирлар жамланган. Бу манба, таъбир жоиз бўлса, муаллифнинг қарийб 40 йилдан зиёд муддат давомидида қўриб, ҳавас қилган туйғулари ва таассуротларининг ўзига хос инъикосидир.

Ушбу мажмуа кўплаб янги тадқиқотларга йўл очиб, фойдали манба бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ. Китоб тарих соҳасига қизиқувчилар, шунингдек, олий ўқув юртиларида тарих ва этнографиядан сабоқ олаётган талабалар, айниқса, тадқиқотчилар учун қимматли қўлланма бўлади.

Аҳамиятлиси, китобда вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларига оид қимматли маълумотлар, қадимий зиёратгоҳ ва қадамжоларнинг манзиллари ҳам аниқ келтирилган. Шу сабабли ҳам мазкур китоб туризмни ташкил этувчилар учун вилоятимиз бўйлаб янги ноънъанавий саёҳатлар йўналишларини тузишда муҳим ва зарур ёрдамчи бўлади.

Китоб сифатли қоғозда, рангли иллюстрация ва чиройли суратлар билан безатилган. Китобни безашда муаллиф ва Шош-Илоқ экспедицияси аъзоларининг архивларида сақланаётган, шунингдек, Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, мусаввир Муҳаммад Фозилнинг суратлари ва ижодий ишларидан фойдаланилган.

Мазкур китоб сиз ва оила аъзоларингиз учун муносиб соғва бўлишига ҳамда қўлдан-қўлга ўтиб ўқишига ишонимиз.

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Тошкент ҳақиқати

"Тошкент ҳақиқати" кутубхонаси

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ижтимоий тармоқда тўйлар форматига оид саволнома тарқатди: 30 кишилик тўйлар ҳақида фикрингиз қандай? Олдингидек даңгиллама тўйлар қилишни хоҳлайсизми ёки ҳозиргидек камхаржлими? Саволномада қатнашганларнинг ҳар 100 тасидан 63 нафари 30 кишилик тўй қилишга рози. Юртимизда айни тўй мавсуми. Аммо...

Ха, коронавирус пандемияси сабабли жорий қилинган карантин чекловлари тўйларнинг ҳам "жиловини тортиб қўйди". Еки кўпчилик узоқ кутган, аммо ҳеч ким эплламаётган дабдабали, катта тўйларни тартибга солиб берди.

"Ҳар ишда бир ҳикмат бор", дейди халқимиз. Қаранг, юрту оламни исканжага олиб қўйаётган лавнати коронавируснинг ҳам бир фойдаси тегди. Хабарингиз бор, яқиндан карантин чекловлари юмшатилиб, 30 кишилик тўйларга рухсат берилди. Орадан ўтган қисқа муддатда анча-мунча тўйлар ўтди. Биз тўй ташкилотчилари, ота-оналар ва ёшларимизнинг бу хусусдаги фикрлари билан қизиқдик.

– Карантин эълон қилинганидан бери тўйхонада бирорта ҳам тўй ўтказмадик, – дейди тўй ташкилотчиси Нилуфар Мусаева. – Аксарият мижозларимиз тўйларини 30 кишилик қилиб, уйда оилавий ўтказишмоқда. Лекин, орзу-ҳавас билан катта тўй қиламан, деб тўйхоналар очилишини кутаётганлар ҳам бор. Бир мижозимизнинг тўйи 4 апрелда белгиланган эди. Ҳалигача куттишмоқда. Тўйда қанча одам бўлишидан қатъи назар, биз ўтказиб бераверамиз. Яъни, ҳозир ҳам шароитга мослашиб, мижозларга хо-

Ҳою ҳавасни овлаган, дабдабани жиловлаган коронавирუსга бир сало-о-ом...

Ижтимоий тармоқда яна бир гап ўқидим. Мутахассисларнинг хом-чугига кўра, "Агар халқимиз 30 кишилик ихчам тўйлар қилишга одатланса, юртимизда 10 йилда камбағаллар қолмас экан".

надонларида хизмат кўрсатаёلمиз. Аммо, фаолияти тўй бизнеси билан боғлиқ кўплаб одамлар ишини ўзгартиришига тўғри келади, шекилли. Шаҳсан ўзим ҳам камхарж тўйлар тарафдориман. Фикримча, ҳамма қурби етганича тўй қилиши керак.

– Набира қизимни март ойида фотиҳа қилиб қўйган эдик, – дейди зангиоталик Мухтабар опа. – Аммо, карантин бўлиб қолди. Яқинда қуда томон билан келишиб, 30 киши билан тўйни ўтказиб олдик. Қиз то-

монда ош берилмади. Соат 17.00 да бошланган тўй 20.00 да тугади. Келин саломни ҳам ўтказиб қайтдик. – Уғлимни тўйи апрелда ўтиши керак эди, тўйхонанинг ярим пулини ҳам тўлаб қўйгандик, – дейди Қўрай туманида истиқомат қилувчи Зарифа Қиличева. – Энди нима бўлади,

қилишни истамаган йигит. – Очиғи, ошна-оғайниларимнинг тўйларига борганман. Улардан орзу-ҳавасинг йўқми, деган гапни эшитишдан чўчидим. Лекин, ота-онам тушунтиришди, ўзим ҳам яхшилаб ўйлаб кўриб, рози бўлдим. Одам сони кам бўлса-да, тўйим роса қизиди. Дўстларимга

Тўйлар муборак!

ка маъқул. Негаки исрофгарчилик бўлмайди, ҳеч ким қарзга ботиб, тўйдан кейинги ҳаётини дўзахга айлантирмайди. Тўйдан ортирганларини яхшиликка ишлатади. Энг муҳими, ёшлар ҳам, ота-оналар ҳам тинч-хотиржам яшашиди.

Мақолани тугатишдан олдин ижтимоий тармоқларга кўз югуртирдик:

* Бир оила тўйдан тежалган пулга автомобиль сотиб олибди;
* Бир кўёв эса ота-онасини Ҳаж зиёратига юборишни ният қилибди;
* Яна кимдир етими жиянига уй олишга ёрдамлашибди;
* Бир аёл ёзибди: ҳар тўйга қиммат қўйлақ олишим, гўзаллик саломида навабат куттишим, энг ёмонни, шуларни ҳаммасига қимнингидир асабига тегиб, пул сўрашм керак эди. Ҳозирги тўйларга бундай ҳашаматнинг кераги йўқ, шундан жуда хурсандман. Уйда ҳам жанжал камайди.

Қаранг, қанча яхши гаплар. Аммо, мана бундай ёзувлар ҳам бор: "Икки йил олдин минг кишига ош бериб, қиз чиқаргандим, мебель, чинни, сарпо-сурүк дегандай. Ҳалигача қарзларимдан қутулмаганман. Ёмон ниятими йўғу, лекин, нега шу коронавирүс ушунда тарқалмади, дея афсус қилаяйман" ва ҳоказо...

Дарҳақиқат, энди "Тўй тўйдек ўтсин, агар етти маҳаллани қақчириб ош бермасам, отимни бошқа қўяман", дейдиган замоналар ўтди. Зеро, замон сента боқмас, сен замонга боқ дейишадик. Хулоса чиқариш эса ўзингиздан.

Кумуш САЛОМОВА
Тошкент ҳақиқати

ЎЗБЕКИСТОН гуруҳида Индонезия, Камбожа ва Эрон термалари жой олишди

Бугун ОФК штаб-квартирасида ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида қуръа ташлаш маросими ўтказилди.

Бир мунча муддат аввал ўсмирлар термаси қуръасини баён этгандик. Ёшлар терма жамоалари ўртасида ташкиллаштирилган қуръадан кейин эса барча гуруҳлардаги вазиятлар аён бўлди.

- "С" гуруҳи: Саудия Арабистони, Австралия, Вьетнам, Лаос.
- "D" гуруҳи: Қатар, Тожикистон, Малайзия, Яман.
- Бу йилги U-19 Осиё чемпионати 14-31 октябрь кунлари Ўзбекистонда бўлиб ўтиши режалаштирилган – Тошкент, Олмалик ва Наманган шаҳарларидаги жами 4 та стадион мезбонлик қилади.
- Ҳамюртларимиз мусобақани Эронга қарши ўйин билан бошлайди.

Иккинчи турда Камбожа билан куч синашамиз ва сўнгги турда Индонезия билан ўйнаймиз.

1-тур: **Ўзбекистон – Эрон**
Индонезия – Камбожа

2-тур: **Камбожа – Ўзбекистон**
Эрон – Индонезия

3-тур: **Ўзбекистон – Индонезия**
Камбожа – Эрон

"А" гуруҳида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоа "В" гуруҳининг юқори икки жамоасига қарши чорак финалда тўқнаш келади.

Ойбек ЮНУСОВ,
Ўза

Аёлларнинг ижтимоий ҳаётда фаол бўлиши оилавий ҳаётга пуртур етказиши деган гаплар гирт уйдирма. Мен буни ўзимнинг бахтли оилавий ҳаётим мисолида исботлашим мумкин.

Дарҳақиқат, хотиним астойдил ишга берилган, бичиш-тикишдан бўшаган вақтини ҳамкасблари билан аймоқи бўлишга сарфлайди. Мен эсам газеталардан бирида кечаси ишлайман.

Биз турмуш қурмоқчи бўлган кун хотиним банкдан икки кунга рухсат олганди. Мен эсам гарчи тунда ишлаган бўлсам ҳам ўша кун ишлайман. Никоҳни қайд қилиш идорасига бориб, турмуш қурдик. Ўша оқшом суюкли хотинимни бахтли гўшамизда қолдириб тахририятга кетдим. Эрталаб қулбамга қайтганимда ётоқхонамиз эшигига кистирилган шундай хатни кўрдим: "Суюкли эргиним! Мен банкка кетдим. Сени ўлиб қоламан".

Хотинимнинг хатини зор-зор йиғлаб ўқидим. Эрталаб уйғондим. Менинг кўз очиб кўрганым ҳали ишдан қайтмаганди. Тахририятга кечиктаётганим учун мен ҳам хат ёзиб эшикнинг ўша жойига қистириб қўйдим.

"Жонгинам! Мен кетяпман. Ишдан кеч қолсам бўлмайди. Дудокларингдан ўлиб қоламан".

Биз навбатдаги тонготарда ҳам кўришолмадик. Аммо, менинг сардоқатли рафиқам илик, қисқа, худди жасур қумондоннинг буйруғидек лунда, мактублар битишни қанда

қилмасди.

"Жонгинам! Мен кетяпман. Сени қайта, қайта ва яна қайта ўлиб қоламан".

Мен ҳам шу заҳотиёқ жавоб ёздим: "Азизам! Хатингни олдим. Катта раҳмат. Сени кучиб қолувчи эринг Ҳасан Кафадан".

Покиза Кафадан.

Жамики оталар каби, мен бу янгиликдан беҳад суюниб кетдим. Шу заҳотиёқ жавобини ёзиб, эшикка кистириб қўйдим.

"Менинг фариштагинам! Беҳад хурсандман. Мен сента тўғноғич сотиб олдим, ёстигининг остидан топасан. Сени минг, минг ва яна

минг марта ўлиб қоламан!"

Албатта, йиллар ўтиши билан эру хотин бир-бирига кўникиб қолади ва олдинги эхтирослар ҳам андак сўнади. Биз ҳам оилавий ҳаётга мослашдик ва гоҳо ўзаро бефарқлик ҳам одат тусига кирди. Баъзан хат ёзишни унутиб қўядиган бўлдик.

Орадан бир неча йил ўтган биз хат ёзишни умуман унутиб қўйдик. Аммо, радионинг рўпарасидаги ошхона столида кўзга ташланиб қоладиган аёлларнинг буюмларидан хотинимнинг қулбамизга келиб туришини билиб қолардим.

Бахтли оилавий йиллар шу тарихга ўтди.

Бир кун ишдан чарчаб кинога бордим. Кинотеатр йўлагиди ажаб-товур воқеа содир бўлди. Қандайдир бир савлатли аёл тўсатдан елкамга осилиб қолди:

– Азизим, қадрдоним, суюклимим!

Азиз НЕСИН

ИШЧАН АЁЛ

(ҳажвия)



– Кечирасиз, хоним-афандим, – дедим талмовсираб, – мен оилали одамман, болаларимнинг отаси-ман, ўзингизни қўлга олинг. Мен бунақа енгилтақликни ҳазм қилолмайман.

Ана шунда у менга иддао қилиб қолди:

– Сен мени танимадингми? Уят эмасми? Ахир мен хотинимман, Покиза Кафаданман.

Мен жудаям изза тортиб кетдим.

– Демак, сен – менинг суюкли хотиним Покизасан? Кечиргайсан, сени дабдурустдан танимабман. Мен сени кўрмаганимдан буён жуда ўзгариб кетибсан.

У буй-бастига қараб қаторлашиб турган уч нафар болақайлар –

Шанба табассуми

Бир қиз ва икки ўғил болага ишора қилиб деди:

– Булар бизнинг болаларимиз! Мен болақайларнинг қўлини оталарча суйиб қисдим.

– Танишганимиздан жуда хурсандман, – дедим.

Суюкли қизалоғимнинг ойисига шивирлаб айтган ушбу гапини эшитмагандек бўлдим:

– Дидинга ҳам қойил эмасман, ойижон! Наҳотки бизга бундан кўра кўримлироқ ота тополмаган бўлсанг?

Кейин хотиним болаларнинг ёнида турган олифтанамо одамни кўрсатиб деди:

– Бу менинг амаким.

Орадан кўп йиллар ўтди, биз эсак оилавий ҳаётимиздан мамнунмиз. Агар мен биронта ишлайдиган хотинга уйланганимда эди, биз эру хотин худонинг берган кунни қирпичок бўлиб урушардик. Мана, мен уйланганимдан кейин неча йиллар ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз оилавий ҳаётимизга раҳна солгуведк биронта кўнгилсизлик бўлмаган.

Биз бир-биримиз билан кўришиш учун вақт тополмаймиз, шу боис ўзаро уруш-жанжал ҳам бўлмайди, хафагарчиликсиз, тинчгина яшаймиз. Менинг тажрибам – аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги оилавий бахтга раҳна солмаслигини яна бир қарра тасдиқлайди.

Шодмон ОТАБЕК таржимаси

Буюклар бисотида

Ҳаёт азоб-уқубат ҳам, ором ҳам эмас, у зиммамиздаги ва биз виждонан охирига етказишимиз зарур бўлган бурчдир.

Энг даҳшатлиси тирик мурда бўлмоқдир.

М. АНДЕРСЕН-НЕКСЕ

Баъзи одам юз ёшида қабрга қирадию, аслида эса тугилибқоқ ўлган бўлади.

Ж. РУССО

Ҳаёт уни ўрганадиган кишиларгагина ўргатади.

В. О. КЛЮЧЕВСКИЙ

Яшамок тананинг фақат моддий эҳтиёжларини қондиришига эмас, энг муҳими, инсоний қадр-қимматни тушуниб етишдир.

ЖЮЛ ВЕРН

Ҳаёт гайратли меҳнат туфайли жонли ва гўзалдир, у оғир кў бўлмай, балки қанот, ижод ва қувончдир, агар қимдаким уни оғир юкка айлантирса, бунга унинг ўзи айбдор.

В. В. ВЕРЕСАЕВ

Осуда ва беғам ҳаётда сурур йўқ! Нимадир юракни ўртаб, фикрни тинч қўймаслиги керак.

Д. ДАВИДОВ

Инсон шуни тушуниши керакики, у дунёнинг ижодкори ва соҳибидир, ҳаётдаги барча эзгуликларнинг шон-шухрати ҳам, ердаги ҳамма бахтсизликлар ҳам унинг зиммасига тушади.

Р. РОЛЛАН



Миллий кўчирчоқлар – ибодат обунчоқлар...

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Баш муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи – 205. Буюртма Г-643. 12 073 нусхада чоп этилди. Ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Қабулхона: (71) 233-64-95
Баш муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-64-10

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Электрон почта: toshkenthqiqati@mail.ru / th-tp@inbox.ru

ISSN 2010-9318. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 20.30 1 2 3 4 5 6

Манзиллими:
111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги офисими:
100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ҳафтаининг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусахҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Равшан БАЙЖАКОВ